Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2015 йил
6 май
ЧОРШАНБА
№ 35 (12775)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Эҳтиром

ЭЪЗОЗ ИЛА ТАЪЗИМДАМИЗ

Султонхон ота енгилгина нонушта қилгач, девордармиён қўшниси, болалиги бирга кечган, жанггоҳларда ҳам бирга бўлган қадрдони Муҳиддин ота билан дийдорлашгиси келди. Суронли уруш хотиралари, жанггоҳларда йўқотган қуролдошлар ёди хусусида узоқ суҳбатлашиб, қалби ҳаяжон ва маҳзун хотираларга тўлиб қайтган Султонхон ота ҳовлига кириши билан мактаб ўқувчилари қўлларида гулдасталар билан унинг истиқболига пешвоз чиқдилар.



– Вой, менинг меҳрибонларим, йўқлаб келдиларингми? – отахоннинг юзлари ёришиб, қалбидаги маҳзунлик бир зумда тарқаб кетди ва болалардек беғуборлик билан ўқувчиларни саволга тутди:

– Жасорат нима?

– Мен жавоб берай, – бийронгина Чарос дарсда ўтиргандай қўлини кўтарди. – Сиз каби ота-боболаримизнинг Ватан озодлиги учун курашлари жасорат намунасидир ва биз ҳам сизлар каби бўлишимиз лозим.

– Баракалла, қизим. Энди айтинглар-чи, бурч нима?

– Она Ватан олдидаги бурчимизни сизлар каби шараф билан адо этишдир, – жавоб берди аълочи ўқувчи Нодирбек.

– Матонат нима?

– Худди сизлар каби матонатли бўлиб яшаш, ҳар қандай қийинчилик, синовлар олдида бош эгмаслик лозим. Матонатли инсон ҳеч қачон енгилмайди, – деди ҳозиржавоб Жасур.

Султонхон ота болаларни пешоналаридан ўпиб, дуолар билан кузатиб қўйди.

Ўрта Чирчиқ тумани, Ўртасарой қишлоғи, А. Йўлбарисов маҳалласида яшовчи Султонхон Муҳаммадхонов шундай эъзоз ва эҳтиромга сазовор қариялардан. Урушдан кейин отахон 35 йил 11-автобазада ҳайдовчи бўлиб ишлади.

– Галабанинг 70 йиллигига омонликда етиб келиб, юбилей медалини тақиш бахтига муяссар бўлганим учун Яратганга беадад шукрлар айтаман, – дейди отахон. – Байрам арафасида Тошкентдаги Хотира майдонида тантанали маросимда қатнашдим.

Биз ёшлар бугун Султонхон ота сингари уруш ва меҳнат фахрийларига чексиз эҳтиром ва эъзоз ила таъзимдамиз. Чунки, улар ибратли ҳаёт йўллари билан ҳар қанча таҳсин ва эътиборга муносибдирлар.

Анора ЖУМАДУЛЛО қизи.
Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган сурат.

Маънавият

Иккинчи жаҳон уруши асоратлари ҳали яна узоқ йиллар хотираларимизга соя солиб, сескантириб туриши табиий. Ахир бу офатдан азият чекмаган хонадон йўқ элимизда. Болалигимиздан шу уруш туфайли ота меҳрига зор ўсган, етимликнинг тахир оши рангини сарғайтирган отам, онамнинг аламли ҳикояларини тинглаб катта бўлганмиз.

ХОТИРА АБАДИЙ – ҚАДР МУҚАДДАС

– Ўшанда 13 ёшларда эдим, – дердилар куюниб онам. – 6 фарзандини тақдир ҳукмига қолдириб кетишга мажбур бўлган отамнинг маъюс нигоҳлари ҳамон кўз олдимда. Кўп ўтмай келган қорахат бутунлай қаддимизни букиб қўйди. Укаларимни боқиш, онамга қарашиш учун 16 ёшимдан қурилишда ишлаганман. Бир кунда бериладиган бир бўлак нон учун кечаси билан навбатда турар, бир бурдасини еб, ишга кетардим. Бел оғриғини шунда орттирганман. Бола-чақа ташвиши билан онам менга вақт ажратиш у ёқда турсин, қўлимга қараб, кутиб ўтирар, соғлигимни сўрашга фурсати ҳам йўқ эди...

Шундай пайтларда "отам ўлмаган, у албатта келади" деган ўй миямга ўрнашиб қолган эди... Унинг меҳрли кўзлари, "она қизим" дея эркалашларини қўмсаб, кечалари мижжа қоқмай

(Давоми 2-бетда).

Жасорат, бурч, матонат

ЗИЁРАТНИ УНУТМАНГ

Инсон зоти шу даража мукаррамки, ҳаётлигида ҳам, вафотидан сўнг ҳам бирдек қадрланади.

Улуғ аждодларимиз орзу қилган буюк неъмат – Ватан мустақиллиги йилларида аждодлар хотирасини қадрлаш, мамлакат тараққиёти, юрт ободлиги йўлида жонбозлик кўрсатган фидойи юртдошларимиз руҳини шод этишдек савобли иш дилимиздаги ёруғ ниятлардан бирига айланди. Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан 9 май мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилиниб, Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида ҳалок бўлган минглаб ватандошларимизнинг исм-шарифлари "Хотира китоби" саҳифаларига муҳрланди.

(Давоми 2-бетда).

Давра суҳбати

Вилоят ҳокимлигида республика Президентининг «2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисм ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Уни вилоят ҳокими ўринбосари А. Абдуқодиров бошқарди.

АНИҚ ТАКЛИФЛАР КИРИТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси ҳамда вилоят ҳокимлиги ҳамкорлигида "Тайёр маҳсулотларни ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш

(Давоми 2-бетда).



Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.

Шукрона

ЗИММАМИЗДАГИ ФАРЗ

Президентимиз ҳар қандай жамиятнинг маданий даражаси ёши улуғ одамларга эътибори ва ғамхўрлиги билан белгиланади дейдилар. Юртимизда кексаларга иззат-икром кўрсатиш, ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ва 2015 йилга "Кексаларни эъзозлаш йили" номи берилгани жамиятимиз маданий-маърифий жиҳатдан жадал юксалиб бораётганидан далолатдир.

Шуни алоҳида таъкидламоқчимизки, Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган оқилона сиёсат шарофати билан туманимизда мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй берди. Айниқса, туманимиз маркази Пискент шаҳарчасининг Амир Темур ва Бобур шоҳкўчаларидаги замонавий намунали уйлар киши кўзини қувнатади. "Ёшлар боғи"даги ўзгаришларни айтмайсизми? Ҳордиқ чиқариш учун барча шароитлар муҳайё.

Кўп тармоқли поликлиниканинг ишга туширилгани туман аҳли учун айни муддао бўлди. Сўнгги русумдаги ташҳис ускуналаридан тортиб, муолажа анжомларигача бор. Шаҳарга боришга зарурат йўқ. "Хотира майдони" ҳам қайта таъмирланиб, туман кўркига кўрк қўшди. Буларнинг барчаси аввало, мустақиллик аталмиш буюк неъмат туфайли амалга ошаяпти.

Минг шукрки, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, устимиз бут, дастурхонларимиз тўкин. Мана шу дориламон кунлар шукрини қилайлик, ота-боболаримиз азоб-уқубатлар билан эришган буюк неъматнинг қадрига етайлик.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек: "...Бизларни дунёга келтириб, вояга етказган, ўзининг меҳнати билан бугунги ҳаётга катта ҳисса қўшган кекса авлод олдида барчамиз ҳамиша қарздормиз. Уларни эъзозлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир".

Йигитали ШОКИРОВ,
Тўхтамурод МАДМУРОДОВ,
Абдуқаҳҳор ТЎЛАГАНОВ,
"Майлобод" маҳалласи меҳнат фахрийлари.

Ташаббус – 2015

Вилоят маънавият ва маърифат марказида "Ташаббус – 2015" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг тадбиркор, фермер ва ҳунармандларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар эришаётган ютуқларни оммалаштириш ҳамда аҳоли, айниқса, ёшларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш мақсадида ўтказиб келинаётган танлов йилдан-йилга кенгайиб, иштирокчилари, савияси ва иқтисодиётдаги ўрни ортиб бораётгани билан муҳим аҳамият касб этмоқда. Буни, 2000 йилда кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқарган маҳсулот мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг 30 фоизини ташкил этган бўлса, ўтган йил якунларига кўра бу кўрсаткич 55 фоизга ёки танлов иштирокчилари 40 тага кўпайиб, 540 нафарга етгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

ЭНГ ЯХШИЛАР САРАЛАНДИ



Ўн тўққизинчи бор ўтказилган мазкур танловда шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 50 иштирокчи асосий – "Йилнинг энг яхши тадбиркори", "Йилнинг энг яхши фермери" ва "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" ҳамда қўшимча – "Энг яхши ёш тадбиркор", "Энг яхши тадбиркор аёл", "Энг яхши инновацион лойиҳа", "Ёшларга энг кўп иш ўрни яратган тадбиркор", "Менинг юртим – менинг ифтихорим", "Кекса тадбиркор – Ташаббус эъзозида", "Энг яхши оилавий бизнес соҳиби", "Энг яхши экспортчи" ва "Энг масъулиятли ижтимоий шерик" номинациялари бўйича баҳслашди.

– Танловда мунтазам қатнашиб келаман, – дейди "Йилнинг энг яхши ҳунарманди" йўналиши ғолиби, Бекобод шаҳрилик Мавлуда Андаева. – Республика босқичида ҳам вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, ғолибликни қўлга киритиш ҳаракатидамиз.

Танловнинг "Йилнинг энг яхши тадбиркори" номинациясида Зангиота туманидаги "TAKRO OSIYO" масъулияти чекланган жамияти, "Йилнинг энг яхши фермери" номинациясида эса Қибрай туманидаги "SALAR – NURITDINOV PAXRITDIN" фермер хўжалиги ғолиб деб топилди.

Шунингдек, танлов доирасида саноат, ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Тадбир якунида ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ,
Азамат АҲМЕДОВ (сурат),
"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

«КЎЧАНГИЗНИНГ НОМИ НИМА?»

Газетамизнинг шу йил 11 апрель сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Янгийўл тумани кўчаларининг номланишидаги тартибсизликлар ҳақида фикр билдирилганди. Ушбу мақолага туман ҳокими Р. Норбўтаев имзоси билан расмий жавоб олдик. Унда хусусан шундай дейилади:

"Мақола туман ҳокимияти ижроия маҳкама йиғилишида тегишли мутасаддилар иштирокида танқидий муҳокама қилинди. Бу борада етарлича иш олиб бормагани учун туман ҳокимияти ҳузуридаги топонимик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича комиссия раиси ва тегишли мутасаддилар огоҳлантирилди.

Мазкур масала туман ҳокимияти томонидан назоратга олиниб, ушбу ҳолат тумандаги бошқа кўчалар номларида ҳам такрорланишининг олдини олиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди".

Лафзсизлик – иллат!

ВАЪДА ЭМАС, СУВ КЕРАК...



Байрам арафасида бировнинг таъбини тирриқ қилиш ниятим йўқ эди. Аммо, пақирга шовиллаб тушаётган ичимлик суви овозини эмас, раҳбарларнинг қуруқ ваъдасини эшитиб, ҳафсаласи пир бўлаётган бутун бир маҳалла аҳлининг кайфиятини ўйлаб, бу ҳақда ёзмаса бўлмас, деган тўхтамга келдим...

Баҳорнинг илк ойи ниҳоясида Бўстонлиқ туманидаги "Искандар" маҳалла фуқаролар йиғинидан қўнғироқ қилишди. Икки кун ўтар-ўтмас таҳририятга 9 киши имзо чеккан шикоят хати ҳам келди. Эртасигаёқ туманга етиб бордим. Маҳалла идорасида оқсоқол бошлиқ кексалар кутиб туришган экан.

– Маҳалламизда неча ўн йиллардан бери сув йўқ эди, – дейди оқсоқол Сансизбой Токтаганов. – Кундалик эҳтиёж учун сувни қўшни ҳудудлардан ташиб келардик. Ҳукуматга раҳмат, давлат томонидан тузилган лойиҳа асосида "АРТ Бунёд қурувчи" хусусий корхонаси 2014 йил июнь ойидан иш бошлаб, 31 декабрда 245 та хонадонга обиҳаёт кириб келди. Барака топгур қурувчилар ёз жазирамаси, куз ёғингарчилигию қиш изғиринига қарамай, олти ой деганда, ҳар бир хонадонга сув келтириб, кўпчилик дуосини олишди. Аммо, хурсандчилигимиз узоққа чўзилмади. 2015 йил 21 мартдан сув таққа тўхтади.

– Шундан кейин "отангга бор, онангга бор" бошланди, – дейди суҳбатга қўшилган Искандар қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Гулсара Ажиумерова. – Туман ҳокимиятидагилар "Сувоқава"га, улар эса: "Иншоотни ҳали қабул қилганимиз йўқ" деб, пудратчига жўнатишади...

(Давоми 2-бетда).

9 май – Хотира ва қадрлаш куни

ТИНЧЛИК, ФАРОВОНЛИК УЧУН ШУКРОНА



Бугун Зангиота туманида 28 уруш ва 500 дан ортиқ меҳнат фронти фахрийлари яшамоқда. Улардан бири, Масалбой қишлоғи "Хиёбон" маҳалласилик Рихсибой ота Тошмуҳаммедов бу йил 91 баҳорни қарши олдилар.

– 17 ёшга етиб, энди орзуларим чечак отаётганида машъум уруш барчасига чек қўйди ва кўнгиллилардан бўлиб, урушга отландим, – дейди ота.

Рихсибой ота кўп жангларда иштирок этиб, 11 марта яраланди. Урушдан сўнг "Тез ёрдам" ҳайдовчиси бўлиб, 45 йил ишлади.

– Ҳар тонг қўлимни дуога очар эканман, шундай дориламон кунларга етказганига шукр қиламан, – дейди ота. – Бу йил биз фахрийларни "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан мукофотлашгани учун Президентимиздан, халқимиздан чексиз миннатдорман.

Муқаддас ИСРОИЛОВА.
Азамат АҲМЕДОВ олган сурат.

Маънавият

ХОТИРА АБАДИЙ – ҚАДР МУҚАДДАС



чиққан кунларим кўп бўлган... Ҳалигача келиб қолармикан деб йўлини пойлайман.

Ҳа, онагинам Турдихўжа додамизни 50 йил кутди... Отамнинг ҳикояси бундан да аянчли. 17 ёшидан қурол-яроғ ишлаб чиқарадиган заводда ишлаган... Рихсибой отанинг йўлларига зор етти фарзанд тақдирининг ўзи бир достон... Ёт элларда хор-сарсон қолиб кетган боболаримиз армонлари эса орадан 56 йиллар ўтиб ушалди.

Мустақиллик элимизни, халқимизни бу қора қисматдан халос этди. Энди бизнинг фарзандларимиз ўз Ватани, ўз эли, ўз қавми келажаги учун жони фидо.

Энди 9 май биз учун нафақат хотира, балки озод Ватан равнақи йўлида меҳнат қилган кексаларимизни қадрлаш куни сифатида ҳам ардоқли.

Мамлакатимиз раҳбари бу кунни "Хотира ва қадрлаш куни" дея эълон қилар экан, инсонпарварлик тамойиллари устувор Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир инсон – каттаю кичик ҳурмат-иззатда, айниқса, кексаларимиз, фахрийларимиз эъзозда бўлиши кераклигини кўзда тутган эдилар. Халқимизнинг кўнгли ва дилидаги орзу-армонлари бир-бир ушалаётган истиқлол йилларида инсон қадри тобора юксалиб бораётганини ҳар қадамда ҳис этиш нақадар мароқли...

Вилоятимизнинг Зангиота туманида Кексаларни эъзозлаш йили муносабати, республика Маънавият-тарғибот маркази тавсияси, туман ҳокимлиги, ҳомийлар ёрдами билан уюштирилган "Шукроналик зиёрати" шу маънода ҳаётимиз файзи, ёшлар таянчи бўлган ота-хон-онахонларга кўрсатилаётган чексиз ҳурмат, эҳтиром намунаси бўлди.

Шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турган мустақиллик неъмати – Шимолий вокзал, Ўрта Осиёда ягона "Афросиёб" тезюрар поезди томон келаётган кексаларимиз чеҳрасидаги самимий миннатдорлик, мамнунлик ифодаларига боқиб, ҳаяжонга тушмай илож йўқ.

– Ҳасанбойнинг суяги меҳнатда қотган, эл-юрт хизматидан толмаган кексалари кўп, – дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Комилжон Ғафуров. – Бугун уларнинг 100 нафарини қадимий шаҳар Самарқандга саёҳатга олиб бораяпмиз. Қишлоғимизнинг "Ҳасанбой гузари", "Баҳор", "Ҳасанбой", "Кенгсой" маҳаллаларида умргузаронлик қилаётган отахон-онахонларнинг юз-кўзидаги қувонч, миннатдорлик туйғуларини кўриб ҳузурланаман. Ахир, бир кўнгилни обод этиш, Ҳажга бориш билан баробар эмиш...

– Одатда кексаликдан, эътиборсиз қолишдан қўрқадиганларнинг "қариб қолдим", дея армон қилишларини кўп эшитаман, – дейди 85 ёшли Ҳамидулла ота Неъматуллаев. – Лекин, Кексаларни эъзозлаш йилининг шарофати, одамларнинг меҳр-оқибати билан янада ёшариб, кўзлари порлаб турган, қадри баланд бугунги кексалар, тенгдошларимни кўриб қалбим қувончга тўлмоқда...

– Ўзбекистонимизнинг энг қадимий шаҳри Самарқандининг истиқлол йилларида ўзгача қиёфа касб этганини эшитиб, яна бир кўришни, айниқса, "Афросиёб" тезюрар поездида боришни орзу қилардим, – дейди собиқ ҳайдовчи Қўчқор Азимов. – Илгарилари бир кунда етиб борадиган жойга икки соатда етиб келсак-а, қойил... Бизни кутиб олган республика Маънавият-тарғибот маркази Самарқанд вилояти бўлими ходимларидан жуда хурсанд бўлдик...

Имом Исмоил ал-Бухорий, Хўжа Дониёр, Амир Темур, Шоҳизинда, Хўжа Аҳрор Валий мақбаралари, маҳобатли Регистон зиёратидан кўнгиллар ифтихор туйғуларига тўлди. Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир кекса авлод вакили бугун шундай ҳурмат-эҳтиромга сазовор. Озод диёримизнинг 9 май – Хотира ва қадрлаш кунида аввало уруш ва меҳнат фахрийлари, қолаверса, эл-юрт хизмати йўлида умрини пойдор қилган барча кексалар хотирланади, эъзозланади. Бундай эзгу ниятга йўғрилган хайрли анъана ёшларимиз учун бебаҳо ибрат мактабидир. Зеро, кун келиб, бугунги кексаларимиз ўрнини ёшларимиз эгаллаши табиий.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Мустақиллик йилларида барча ҳудудларимизда бўлгани каби Чирчиқ шаҳрида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга ошириб келинмоқда. Айниқса, чирчиқликларда ҳар байрамга алоҳида совға тайёрлаш яхши анъанага айланган.

ЧИРЧИҚНИНГ КЎРКАМ БОҒИ

Яқинда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни умумхалқ байрами ҳамда Чирчиқ шаҳар куни муносабати билан шаҳардаги Бобур номли маданият ва истироҳат боғи қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Ана шу жараёнда Чирчиқ шаҳрининг қиёфаси ҳам тубдан янгиланиб, бу ерда аҳоли турмуш шароитини яхшилашга йўналтирилган тизимли ишлар олиб борилмоқда. Шаҳарда ўтган йиллар мобайнида кўплаб янги корхоналар ташкил этилди, тадбиркорлик ривожига алоҳида эътибор қаратилди, ишлаб чиқариш кўлами кенгайди. Бу эса, ўз навбатида янги иш ўринлари пайдо бўлишига, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларнинг жадал ривожланишида муҳим омил бўлди.

"Ҳумо" маҳалла фуқаролар йиғинига қарашли ҳудудда жойлашган Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи хусусий тадбиркор Денис Блинов томонидан қисқа муддатда ободонлаштирилди. Икки гектар ер майдонига эга боғда аҳолининг нафақат маданий ҳордиқ чиқариши, балки спорт билан шуғулланиши учун ҳам имконият яратилди.

Шунингдек, боғдаги шинам ўриндиқлар, фаввора ва анвойи гуллар, дарахтлар киши қалбига ҳузур бағишлайди.

Таъкидлаш жоизки, Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи қайта реконструкция қилингандан кейин бу ерда 20 дан зиёд янги иш ўринлари ҳам ташкил этилди. Уларда асосан ёшлар фаолият кўрсатмоқда.

"Туркистон-пресс".

СУКУНАТДА ТИЛГА КИРГАН ЎТМИШ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан Янгийўл тумани, Тинчлик қишлоғида "Инсон азиз – хотира муқаддас" номли тадбир ташкил этилди.

Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари ҳамда партия фаоллари иштирокидаги тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қурбонлари хотираси ёд этилди ва Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Шундан сўнг партия фаоллари Тинчлик қишлоғида истиқомат қилувчи 5 нафар уруш қатнашчилари хонадонига ташриф буюриб, байрам совғалари тақдим этишди.

Наргис МАМАТҚУЛОВА.



Давра суҳбати

АНИҚ ТАКЛИФЛАР КИРИТИЛДИ

ҳолати ва истиқболлари" мавзуида ташкил этилган мулоқотда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхона раҳбарлари, тегишли идоралар вакиллари иштирок этди.

Сўз олганлар 2015 йилги Маҳаллийлаштириш дастурига асосан вилоятимизда 19 та корхонада 66 лойиҳа бўйича 80,2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши режалаштирилганини қайд этдилар.

Шунингдек, янги турдаги маҳсулотлар, яъни кўёш ёрдамида иситиш қурилмалари, оптик толали кабеллар, светодиодли лампалар, автомобиль фильтрлари, термослар, ҳар хил ўлчамдаги озиқ-овқат контейнерлари ишлаб чиқарилаётганига алоҳида урғу берилди.

Суҳбат якунида маҳаллийлаштириш юзлаб юқори технологияли саноат корхоналарининг ташкил топиб, бозорларнинг зарур маҳсулотлар билан тўлишига туртки бўлиши, бу эса ўз ўрнида янги иш ўринлари яратилиб, аҳоли бандлигини таъминлаши таъкидланди. Маҳаллийлаштириш соҳасига таллуқли норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга доир қатор таклифлар билдирилди.

Ирода НОРБОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинар

Вилоят ҳокимлиги ва хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Тошкент Давлат аграр университети қошидаги вилоят кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш марказида ташкил этилган 2 кунлик ўқув-семинарда шаҳар, туман ҳокимлари ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича мажмуа бош мутахассислари иштирок этди.

ФАОЛ АЁЛЛАР ЎҚУВИ

Семинарда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ижроси, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш, хотин-қизларнинг сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни, репродуктив саломатлик, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиги муҳофазаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик, корхона ва ташкилотларда хотин-қизлар меҳнатининг ижтимоий муҳофазаси, ижтимоий шерикликнинг ҳуқуқий асослари, хотин-қизлар ўртасида диний экстремистик ғоялар тарқалишининг олдини олиш ва диний вазиятни соғломлаштириш бўйича ҳамкорлик каби мавзуларда мутахассисларнинг маърузалари тингланди.

Ўқув-семинарда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева маъруза қилди.

Сайёра ЭШМАТОВА.

Жасорат, бурч, матонат

ЗИЁРАТНИ УНУТМАНГ

Бу эса буюк аждодларимиз ва ўз ҳаётини Ватанимиз озодлиги ва халқимизнинг фаровон ҳаёти йўлида фидо қилиб, шундай ёруғ кунларимизни кўрмай, ўтиб кетган барча фидойи юртдошларимизга ва уларнинг ўчмас хотираларига ҳурмат-эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир.

Ҳар доим ўтмишга назар ташлаб, ундан тегишли хулосалар чиқариш ва шунга мувофиқ иш тутиш хайрлидир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Умр ғанимат. Ибтидоси бор ҳар нарсанинг интиҳоси ҳам келади. Бугун ўтган аждодларини хотирлаб, қабристонда зиёрат қилиб юрган одам эртага ўзи хотирага айланади. Энди унинг қабри зиёрат қилинади, яхши ишлари эсланади. Саъдий Шерозийда шундай сатрлар бор:

Йиллар ўтиб кетди
тепангдан ғир-ғир,
Отанг мозорига
бордингми бир дам?
Отанг хотирига қандай
эзгулик –
Қилдингки, ўғлингдан
кутасан сен ҳам?!

Ўтганларни хотирлаб, ҳақларига дуо ўқиш ва шу мақсадда қабристонни зиёрат қилиб туриш мўминлар учун ҳам қарз, ҳам фарз десак, муболаға бўлмайди. Зеро, қабристон ўзига хос бир олам. Бу ерда шоҳ ҳам, гадо ҳам тенг.

Айниқса, умрини эзгу ишларга, илм-фан, эл-юрт хизматига бахшида этганлар хотирасини азиз тутиш, қадрлаш бизга буюк аждодлардан қолган миллий қадрият, яъни маънавий меросдир. Биз баркамол авлодни тарбиялар эканмиз, аввало, Истиқлол фидойилари ҳаётини уларга ибрат қилиб кўрсатмоғимиз керак. Токи, ёшларимиз кимларнинг авлодлари эканларини, ҳаётда кимга эргашишлари, кимлардан ибрат олишлари лозимлигини яхши билиб олишсин.

Одилжон НАРЗУЛЛАЕВ,
Янгийўл тумани "Жоме" масжиди имом-хатиби.

Ўз уйингни ўзинг асра

АГАР ОГОҲ СЕН

Бугунги кунда ядро полигонларидан ҳам мафкура полигонлари хавфлироқ ва хатарлирокдир. Инсон онгу тафаккурини эгаллашга уринишлар глобал аҳамият касб этмоқда.

Биз мустақилликда босиб ўтган йўлимизга назар ташлар эканмиз, бу йўл қанчалик машаққатли ва хатарли бўлганига, бугунги тинч, осойишта, хотиржам ҳаётимиз ўзўзидан келмаганига ишонч ҳосил қиламиз. Бунинг қадрига етиш, кўз қорачиғидек асрашни фарзандларимиз, набираларимизга ҳар дақиқа, ҳар сония уқтиришимиз лозим. Шукрким, ҳаётимиз тинч, турмушимиз фаровон. Лекин бизнинг тинчлигимизни кўролмаётган, юртимизга тош отаётганлар ҳам учраб турибди. Диний экстремизм, терроризм каби иллатлар дунё ҳамжамияти, жумладан бизнинг осойишта ҳаётимизга ҳам рахна солмоқда.

Демак, "Ўз уйингни ўзинг асра" хитоби бугунги кун даъватига айланиши лозим.

Доимий огоҳ ва сергаклигимиз билан мустақиллигимиз ва тинчлигимизни, миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асраган бўламиз. Ҳозир мафкуравий курашлар авж олган бир пайтда фарзандларимизнинг онги ва келажагига таҳдид кучаймоқда. Шунингдек, Президентимизнинг: "Ўзбекистонда яшаётган миллион-миллион ёшлар – менинг болаларим. Биз уларни ҳеч кимнинг қўлига бермаймиз. Уларни ўзимиз тарбия қиламиз. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт" деган сўзларини унутмайлик.

Зеро, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсаётгани, юртимиздаги тинчлик-тотувлик, фарзандларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмасдан ўсишлари учун барча шароитлар яратилгани тараққиётнинг "ўзбек модели" деб ном олган тадрижий ривожланиш натижасидир.

Огоҳликни қайта-қайта таъкидлашимиз бежиз эмас. 2004 йилнинг 29-30 март ва 1 апрель кунлари Ўзбекистонда 9 ички ишлар ходими ва 5 фуқаро террор аталмиш жаҳолатнинг қурбони бўлгани шу ҳақда изтироб билан ўйлашга даъват этади:

Сиз Ватан кўксида сўнмас
қуёшсиз,
Элнинг ёдидасиз,
руҳан дилдошсиз,
Соғинчсиз, армонсиз,
битмас кўз ёшсиз,
Ҳаққингиз бор эди
бахтли яшашга...

Президентимиз таъкидлаганларидек: "Бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким ҳеч қачон қайтара олмайди, зотан Ватанга бўлган меҳру муҳаббат ҳар қандай муаммони ечишга, ҳар қандай ёвуз кучни енгишга қодирдир. Энди Ўзбекистон истиқболини собитқадамлик билан барпо этмоғимиз зарур. Бу йўлда иккиланмоқ, манфаатпарастликнинг майда-чуйда ташвишларига ўралашмоқ – Ватанга, халққа, келажак авлодга хиёнат бўлади.

Истиқболдаги Ўзбекистон Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улуғвор ҳайкал бўлажак! Ўзбекистоннинг шуҳратига шуҳрат қўшувчи фарзандларимизга бешик бўлажак".

М. ҚУРБОНОВА,
Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, МТДП аъзоси.

Лафзсизлик – иллат!

ВАЪДА ЭМАС, СУВ КЕРАК...

Маҳалла идорасида эканимиздан хабар топиб, "АРТ Бунёд қурилиш" хусусий корхонаси иш юритувчиси Фурқат Носиров ва туман "Сувоқава" бош муҳандиси Лазиз Мирзалиев етиб келишди.

– 2015 йил 21 мартгача лойиҳа бўйича қилинадиган ишларни бажариб бўлдик, – деди Фурқат Носиров. – Фақат трансформаторга уланиш қолди. Шу кунларда сувнинг ўчириб турилиши табиий. Чунки, туман "Сувоқова"га тайёр иншоот ва унинг ҳужжатларини топшираяпмиз. Бу ташкилотдагилар ҳам барча хонадонлардаги сув қувурлари тўғри ётқизилгани, сув минорасидаги жиҳозлар сифатли ўрнатилганини текшириб чиқиши керак. Бунинг учун яна беш кун вақт кетади. Иншоотни қабул қилгунларига қадар, сув ҳисоблагич ҳам ўрнатиб қўйилади.

Бу гапларни Лазиз Мирзалиев ҳам тасдиқлади. Орадан бир ҳафта ўтар-ўтмас таҳририятга сим қоққан отахону онахонлардан сув яна келганини эшитиб, бунда оз бўлсада ҳиссам борлигидан қувондим. 30 апрелда эса... Искандарлик онахонлар яна сувни тўхтатиб қўйишгани ҳақида қўнғироқ қилишди. Начора, 1 май куни яна таниш манзилга йўл олдим. Ҳақиқатдан ҳам маҳаллада сув йўқ...

Телефон орқали Фурқат Носиров билан боғландим.

– Лойиҳа бўйича объектларни барча ҳужжатлари билан топшириб бўлдик. Нима учун сув тўхтаб қолганини жойига бориб, кўрмасдан айтолмайман. Лекин, албатта эрта-индин ўтиб, сизга сабабини айтаман, – деди у.

Бу ҳақда Лазиз Мирзалиевга қўнғироқ қилдим.

– Ҳозир профилактика ишлари бораяпти, – суҳбатдошимнинг дадил овози янгради гўшакдан. – Худо хоҳласа, 4 май куни сув берилади...

Шу куни чиндан маҳаллага сув келибди.

Ҳаётда халқ ишончи ва назаридан қолишдан ёмон нарса йўқ. "Искандар" маҳалласининг 7 ёшдан 70 ёшгача аҳолиси чеки йўқ ваъдаларни эмас, янги қувурлар орқали оқиб келувчи сувни кутганди. Энди эса, улар: "Сувни яна ўчиришмасмикан" деган ҳадикда. Бу гал мутасаддилар лафзсизлик қилишмас. Зеро, лафзсизлик инсон зоти, айниқса, мутасадди ташкилот раҳбарларига ярашмайдиган иллат.

Даврон АҲМАД.



Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти худудий бошқармаси қуйидагиларни маълум қилади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги "Иқтисодиётда хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чоралари тўғрисида"ги ПҚ-2340-сонли Қарори қабул қилинганлигини маълум қилади.

Ушбу Қарорнинг қабул қилиниши хорижий инвесторларни жалб қилишни кучайтириш, хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш, Иқтисодиётда хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини ошириш, биринчи навбатда хорижий инвесторларга, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларидаги давлатга тегишли активларни ҳамда акциялар пакетлари (улушлари)ни хусусий мулкка сотиш орқали ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш, ташқи ва ички бозорга янги турдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сонли Қарорига асосан қуйидаги давлат активлари хусусийлаштирилиши белгиланган:

Устав фондидаги давлат ва хўжалик бошқаруви органлари улуши стратегик хорижий инвесторларга сотилиши белгиланган акциядорлик жамиятлари сотилиши белгиланган акциядорлик жамиятлари рўйхати

№	№	Корхона номи	Жойлашган манзили	Сотилиши белгиланган активлар (%): Давлат улуши	Сотилиши белгиланган активлар (%): Юқори ташкилоти улуши	Сақланадиган акциялар (улушлар) (%): Давлат улуши	Сақланадиган акциялар (улушлар) (%): юқори ташкилоти улуши
		Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси					
1	1	«Янгийўл ёғ-мой» АЖ	Тошкент вилояти, Янгийўл тумани	61,49	-	51	-
		«Ўзэлтехсаноат» АК					
2	1	«Чирчиқ трансформатор заводи» АЖ	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри	-	48,6	-	51
		«Ўзбекнефтегаз» МХК					
3	1	«Туйтепа металл қурилмалари» АЖ	Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани	-	99,4	-	-
		«Ўзқурилишматериаллари» АК					
4	1	«Оҳангарон-шифер» АЖ	Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани	54	-	-	-
		«Ўзагросаноатмаш-холдинг» ХК					
5	1	«Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи» АЖ	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри	-	49	-	51
		Тошкент вилояти ҳокимлиги					
6	1	«Ангрен логистика маркази» АЖ	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри	-	49	-	51
7	2	«Ангрен Пак» АЖ	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри	25	-	-	-

Устав фондидаги давлат улуши тўлиқ хусусий мулкка сотилиши белгиланган хўжалик жамиятларининг рўйхати

№	№	Корхона номи	Жойлашган манзили	Юқори ташкилоти	Сотилиши белгиланган Давлат активлари (мулк, УФдаги давлат улуши), %
		I. Хўжалик жамиятлари (АЖ, МЧЖ)			
1	1	Тошкент вилояти «Кишлокхужаликкимё» ХАЖ	Тошкент вилояти, Зангиота тумани	«Ўзкимёсаноат» ДАК	34,77
2	2	«Келес шароб» МЧЖ	Тошкент вилояти, Зангиота тумани	«Ўзвиносаноат-холдинг» ХК	25
3	3	«Дустобод тажриба механика заводи» МЧЖ	Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани	«Ўзпахтасаноат» уюшмаси	25
4	4	«Далварзин таъмирлаш заводи» МЧЖ	Тошкент вилояти, Бекобод тумани	«Ўзагромашсервис» уюшмаси	25,85
5	5	«Олмалиқ гўшт-сут савдо» МЧЖ	Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри	Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси	56,35
6	6	«Бекобод гўшт-сут савдо» МЧЖ	Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри	Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси	25,17
7	7	«Чирчиқ гўшт-сут савдо» МЧЖ	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани	Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси	25,1
8	8	«Кичкинтой» МЧЖ	Тошкент вилояти, Янгийўл тумани	«Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси	25,96
9	9	«Тошкент-Осиё» АЖ	Тошкент вилояти, Қибрай тумани	Ҳокимият	46,67
10	10	«Тошкент эшилган маҳсулотлар фабрикаси» МЧЖ	Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани	Ҳокимият	25,44
11	11	«Матлуботчи санаторияси» МЧЖ	Тошкент вилояти, Зангиота тумани	Ҳокимият	25
12	12	«Залол» МЧЖ	Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани	Ҳокимият	74
13	13	«Муҳандис» МЧЖ	Тошкент вилояти, Зангиота тумани	Ҳокимият	43,7
14	14	«Нур» МЧЖ	Тошкент вилояти, Зангиота тумани	Ҳокимият	25,44
15	15	«Шарқ» МЧЖ	Тошкент вилояти, Қибрай тумани	Ҳокимият	25
		II. Давлат унитар корхоналари			
16	1	«Poytaxt agro» ДК	Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани	Ҳокимият	100
17	2	«Sensarg` shifo» ДУК	Тошкент вилояти, Зангиота тумани	Ҳокимият	100
18	3	«Shalola-Agromashservis» ДУК	Тошкент вилояти, Қибрай тумани	Ҳокимият	100
19	4	«Qibray hamkor savdo» ДУК	Тошкент вилояти, Қибрай тумани	Ҳокимият	100
20	5	«Turkiston-madad-servis» ДУК	Тошкент вилояти, Қибрай тумани	Ҳокимият	100
21	6	«Qorasuv Agro Traktor» ДУК	Тошкент вилояти, Қибрай тумани	Ҳокимият	100
22	7	«Angren pokiza servis» ДУК	Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри	Ҳокимият	100
23	8	«Chirchiq universal plus» ДУК	Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри	Ҳокимият	100
		АК «Ўзфармсаноат»			
24	1	«Dorivor O'simlik» МЧЖ	Тошкент вилояти	Ҳокимият	90
		«Ўзпахтасаноат» ассоциацияси			
25	1	«Пскент пахта тозалаш» АЖ	Тошкент вилояти, Пскент тумани	Ҳокимият	96,7
26	2	«Далварзин пахта тозалаш» АЖ	Тошкент вилояти, Бекобод тумани	Ҳокимият	92,6
27	3	«Чиноз пахта тозалаш заводи» АЖ	Тошкент вилояти, Чиноз тумани	Ҳокимият	96,78
28	4	«Ўзбекистон пахта тозалаш заводи» АЖ	Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ тумани	Ҳокимият	93
29	5	«Мустақиллик пахта тозалаш» АЖ	Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани	Ҳокимият	96,94
30	6	«Мустақил Ўзбекистон 5-йиллиги» АЖ	Тошкент вилояти, Янгийўл тумани	Ҳокимият	96,84

Инвестиция киритиш шарти билан "нол" харид қийматида танлов асосида сотилиши белгиланган объектлар рўйхати

№	№	Объект номи	Жойлашган манзили	Қурилган йили	Балансда сақловчи	Идоравий мансублиги
		Ангрен шаҳар				
1	1	"Кулол" АЖнинг бўш турган ишлаб чиқариш биноси	Ангрен шаҳар, Фарҳод кўчаси, 1	1970 й.	Ангрен шаҳар ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
2	2	Қурилиши тугалланмаган лицей биноси	Ангрен шаҳар, "Геолог" МФЙ	1990 й.	Ангрен шаҳар ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
3	3	"Кулол" АЖнинг ошхона биноси	Ангрен шаҳар, Фарҳод кўчаси, 1	1970 й.	Ангрен шаҳар ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
4	4	"Кулол" АЖнинг тиббиёт пункти биноси	Ангрен шаҳар, Фарҳод кўчаси, 1	1970 й.	Ангрен шаҳар ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
5	5	"Кулол" АЖнинг ўлчагич иншоотлари биноси	Ангрен шаҳар, Фарҳод кўчаси, 1	1970 й.	Ангрен шаҳар ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
6	6	"Узшахтастрой" АЖнинг учта ётоқхона биноси (ёш оилаларга мўлжалланган)	Ангрен шаҳар, 5/2 даҳа	1979 й.	Ангрен шаҳар ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
7	7	Сув бошқармасининг фойдаланилмаётган бино ва иншоотлари	Ангрен шаҳар, Янгиобод қўрғони	1968 й.	Ангрен шаҳар ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
8	8	Яримертўла биноси	Ангрен шаҳар, 5/1а даҳа, 4	1973 й.	Ангрен шаҳар ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
9	9	Яримертўла биноси	Ангрен шаҳар, 5/1а даҳа, 6	1976 й.	Ангрен шаҳар ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
10	10	18-сонли мактаб филиалининг фойдаланилмаётган биноси	Ангрен шаҳар, Янгиобод қўрғони, Кончи кўчаси	1955 й.	18-сонли умутаълим мактаби	Халқ таълими вазирлиги
11	11	18-сонли мактаб филиалининг фойдаланилмаётган устахона биноси	Ангрен шаҳар, Янгиобод қўрғони, Кончи кўчаси	1955 й.	19-сонли умутаълим мактаби	Халқ таълими вазирлиги
12	12	А. Навоий номли маданият марказининг 3-сонли пункти	Ангрен шаҳар, Нуробод қишлоғи	1986 й.	Ангрен шаҳар маданият ва спорт бўлими	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
13	13	"Корабог" шифохонасининг фойдаланилмаётган биноси	Ангрен шаҳар, А.Темура кўчаси	1986 й.	Ангрен шаҳар марказий шифохонаси	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
		Олмалиқ шаҳар				
14	1	14-сонли мактабгача таълим муассасининг бўш турган бино ва иншоотлари	Олмалиқ шаҳар, Навои кўчаси	1968 й.	Олмалиқ шаҳар ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
15	2	Қурувчилар клубининг фойдаланилмаётган биноси	Олмалиқ шаҳар, Интизор кўчаси, 9	1970 й.	Олмалиқ шаҳар ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
16	3	Қурилиши тугалланмаган Турар жой бино ва иншоотлари	Олмалиқ, 5/2 даҳа	-	Олмалиқ шаҳар ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
17	4	"Шарқий Ўзбекистон" корхонасининг фойдаланилмаётган лабороторияи биноси	Олмалиқ шаҳар, "ГРЭ" маҳалласи	1970 й.	"Шарқий Ўзбекистон" ДК	Тошкент вилояти ҳокимияти
18	5	"Шарқий Ўзбекистон" корхонасининг фойдаланилмаётган маъмурий биноси	Олмалиқ шаҳар, "ГРЭ" маҳалласи	1970 й.	"Шарқий Ўзбекистон" ДК	Тошкент вилояти ҳокимияти
19	6	Нотурар бино	Олмалиқ шаҳар, Туркистон кўчаси	1967 й.	Олмалиқ шаҳар маданият ва спорт бўлими	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
20	7	Архитектура бошқармасининг фойдаланилмаётган биноси	Олмалиқ шаҳар, Фахрийлар кўчаси, 25	1960 й.	Тошкент виялоти архитектура ва қурилиш назорати бошқармаси	Архитектура ва қурилиш қўмитаси
21	8	Фойдаланилмаётган клуб биноси	Олмалиқ, Геологлар кўчаси	1975 й.	Олмалиқ шаҳар халқ таълими бўлими	Халқ таълими вазирлиги
		Бекобод шаҳар				
22	1	"Ёшлик" спортзалининг бўш биноси	Бекабад шаҳар, 11-даҳа, С.Раҳимов кўчаси	1980 й.	Бекобод шаҳар ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
23	2	Тиббиёт коллежининг фойдаланилмаётган биноси	Бекабад шаҳар, Саломатлик кўчаси, 18	1968 й.	Тошкент вилояти олий ва ўрта махсус таълим бошқармаси	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
		Чирчиқ шаҳар				
24	1	Репродуктив поликлиниканинг фойдаланилмаётган биноси	Чирчиқ шаҳар, "Умид" МФЙ, Боғ кўчаси	1990 й.	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги	Тошкент вилояти ҳокимияти
25	2	Яримертўла биноси	Чирчиқ шаҳар, МСГ "Хамза" МФЙ, Заковат кўчаси, 20	1977 й.	Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги	Тошкент вилояти ҳокимияти
26	3	Ётоқхона бино ва иншоотлари	Чирчиқ шаҳар, Ф.Худжаев кўчаси	1990 й.	Чирчиқ шаҳар «Хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази» ДУК	Тошкент вилояти ҳокимияти
27	4	Бўш турган бино(ГИАП биноси)	Чирчиқ шаҳри, Тошкент кўчаси, 4-уй	1969 й.	Чирчиқ шаҳар "Хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази" ДУК	Тошкент вилояти ҳокимияти
		Оққўрғон тумани				
28	1	"Гулистан" маданият уйининг бўш турган биноси	Оққўрғон тумани, "Аччи" МФЙ	1976 й.	Оққўрғон тумани маданият ва спорт ишлари бўлими	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
29	2	20-сонли мактабнинг фойдаланилмаётган клуб биноси	Оққўрғон тумани, "Мамут" МФЙ	1985 й.	Оққўрғон тумани халқ таълими бўлими	Халқ таълими вазирлиги
		Оҳангарон тумани				
30	1	Қурилиши тугалланмаган спортзал биноси	Оҳангарон тумани, "Телов" ҚФЙ	1989 й.	Оҳангарон тумани ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
31	2	2-қаватли бўш турган бино	Оҳангарон тумани, Эйвалек қўрғони, Ўарбий кўчаси, 44	1978 й.	Оҳангарон тумани ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
32	3	Фельдшерлик участкасининг бўш турган биноси	Оҳангарон тумани, "Озодлик" МФЙ	1979 й.	Оҳангарон тумани ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
33	4	"Ангрен" ширкат хўжалигининг бўш турган 3-сонли омборхонаси	Оҳангарон тумани, "Увак" МФЙ	1968 й.	Оҳангарон тумани ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
34	5	"Ангрен" ширкат хўжалигининг омухта ем цехининг бўш турган бино ва иншоотлари	Оҳангарон тумани, "Увак" МФЙ	1968 й.	Оҳангарон тумани ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
		Бекобод тумани				
35	1	Мактабгача таълим муассасининг фойдаланилмаётган биноси	Бекобод тумани, "Янги хаёт" ҚФЙ	1965 й.	Бекобод тумани халқ таълими бўлими	Халқ таълими вазирлиги
36	2	Мактабгача таълим муассасининг фойдаланилмаётган биноси	Бекобод тумани, "Жумабозор", "Хамза" МФЙ	1967 й.	Бекобод тумани халқ таълими бўлими	Халқ таълими вазирлиги
37	3	Фойдаланилмаётган бино (эски дўкон биноси)	Бекобод тумани, "Чаноқ" ҚФЙ, "Кара куйли" МФЙ	1960 й.	Бекобод тумани маданият ва спорт ишлари бўлими	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
		Бўстонлиқ тумани				
38	1	Нон ва макарон цехханасининг бўш турган ёрдамчи биноси	Бўстонлиқ тумани, Қорамаҳс қўрғони	1990 й.	Бўстонлиқ тумани ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
39	2	Омборхона биноси	Бўстонлиқ тумани, Бирлик кўчаси	1998 й.	Бўстонлиқ тумани ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
40	3	Қурилиши тугалланмаган меҳмонхона бино ва иншоотлари	Бўстонлиқ тумани, Чимён қўрғони	1990 й.	Тошкент шаҳар "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси	Тошкент шаҳар ҳокимияти
41	4	10-сонли мактабнинг бўш турган фойдаланилмаётган бино ва иншоотлари	Бўстонлиқ тумани,"Холдойлиқ" фермерлар уюшмаси	1970 й.	Бўстонлиқ тумани Халқ таълими бўлими	Халқ таълими вазирлиги
42	5	«Янги овул» клуб биноси	Бўстонлиқ тумани, «Янгиовул» ҚФЙ		Бўстонлиқ тумани маданият ва спорт бўлими	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
		Бўка тумани				
43	1	Нотурар бино	Бўка тумани, "Гулистон" ҚФЙ	1980 й.	Бўка тумани ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
44	2	32-сонли мактабнинг бўш турган биноси	Бўка тумани, "Паркент" фермер хўжалиги	1981 й.	Бўка тумани халқ таълими бўлими	Халқ таълими вазирлиги
45	3	Ип-йигирув фабрикасининг қурилиши тугалланмаган биноси	Бўка тумани, "Б.Умаров" фермер хўжалиги	1990 й.	Бўка тумани ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
		Қуйи Чирчиқ тумани				
46	1	Фойдаланилмаётган мактаб биноси	Қуйи Чирчиқ тумани, "Қўрғонча" ҚФЙ, маҳалла "Зангор" маҳалласи	1970 й.	Қуйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими	Халқ таълими вазирлиги
47	2	Фойдаланилмаётган мактаб биноси	Қуйи Чирчиқ тумани, ССГ "Қўрғонча", "Кургонча" маҳалласи	1953 й.	Қуйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими	Халқ таълими вазирлиги
48	3	Техниклар икодий уйининг фойдаланилмаётган биноси	Қуйи Чирчиқ тумани, Дўстобод шаҳарчаси, 2- маҳалла ҳудуди	1972 й.	Қуйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими	Халқ таълими вазирлиги
49	4	Нотурар бино	Қуйи Чирчиқ тумани, Дўстобод шаҳарчаси, Муҳаммедов кўчаси	1970 й.	Қуйи Чирчиқ тумани халқ таълими бўлими	Халқ таълими вазирлиги
50	5	Ўқув ишлаб чиқариш корхонасининг бино ва иншоотлари	Қуйи Чирчиқ тумани, "Гул" ҚФЙ, "Гул" маҳалласи	1972 й.	Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
51	6	Ишлаб чиқариш комплексининг бино ва иншоотлари	Қуйи Чирчиқ тумани, "Ўзбекистон 5 йиллиги" ҚФЙ, "Пахтазор" маҳалласи	1966 й.	Қуйи Чирчиқ тумани ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
		Қибрай тумани				
52	1	3-сонли мактабнинг бўш турган ошхона биноси	Қибрай тумани, "Оқ-қовоқ" ҚФЙ, Олимлар кўчаси	1986 й.	Қибрай тумани халқ таълими бўлими	Халқ таълими вазирлиги
53	2	3-сонли мактабнинг бўш турган спортзал биноси	Қибрай тумани, "Оқ-қовоқ" ҚФЙ, Олимлар кўчаси	1986 й.	Қибрай тумани халқ таълими бўлими	Халқ таълими вазирлиги
54	3	3-сонли мактабнинг бўш турган биноси	Қибрай тумани, "Оқ-қовоқ" ҚФЙ, Олимлар кўчаси	1986 й.	Қибрай тумани халқ таълими бўлими	Халқ таълими вазирлиги
55	4	Машина-трактор паркининг фойдаланилмаётган бино ва иншоотлари	Қибрай тумани, "Май" ҚФЙ, "Туркистон" маҳалласи	1976 й.	"Туркистон Мадад Сервис" ДУК	Тошкент вилояти ҳокимияти
		Паркент тумани				
56	1	Маданият уйи биносининг қурилиши тугалланмаган биноси	Паркент тумани, Намданак қўрғони	1987 й.	Паркент тумани ҳокимияти	Тошкент вилояти ҳокимияти
57	2	Гараж, устахона ва омборхона бино ва иншоотлари	Паркент тумани, "Чанги" ҚФЙ	1985 й.	"Физика-Қуёш" илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси	Фанлар Академияси
58	3	"Невич" маданият уйининг фойдаланилмаётган биноси	Паркент тумани, ССГ "Бошқизилсой" ҚФЙ, Невич қўрғони	1979 й.	Паркент тумани маданият ва спорт ишлари бўлими	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
59	4	"Сангалак" маданият уйининг фойдаланилмаётган биноси	Паркент тумани, "Бошқизилсой" ҚФЙ, Сангалак қўрғони	1968 й.	Паркент тумани маданият ва спорт ишлари бўлими	Маданият ва спорт ишлари вазирлиги
60	5	Автогараж бино ва иншоотлари	Паркент тумани, ССГ "Қоракалпоқ", Ешлик қўрғони	1984 й.	"Паркент Қорасув" ишлаб чиқариш бирлашмаси	Тошкент вилояти ҳокимияти
